

**ШАРҚ АДАБИЁТИДА “АРБАЬИН” АНЬНАСИ**

*Тошкент давлат шарқшунослик университети Шарқ фалсафаси ва
герменевтика кафедраси в.б.доценти*

Пулатова Малоҳам Рихсибаевна

*Тошкент давлат шарқшунослик университети Шарқ фалсафаси ва
герменевтика кафедраси I курс магистри*

Исамиддинов Элбек Абварович

Шарқ мумтоз адабиётида Қуръон ва Ҳадисларнинг мазмун-моҳияти ижодкорларни қизиқтирган, улар муқаддас манбалардан илҳомланган, муқаддас манбаларда келтирилган ғоялар ва қарашлар ижодкорларни янги асарлар яратишга унданган ва шу тариқа кейинчалик ижод вакилларининг ахлоқий-ғоялар акс этган маҳсус асарлари, яъни арбаъинлар вужудга келган. Пайғамбар (с.а.в.) ҳадислари ва уларга битилган бадиий шарҳлар шарқ адабиётида қадимдан мавжуд бўлиб, бунга қуйидаги ҳадис асаос бўлган:

Пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в)дан “Кимки, менинг ҳадисларимдан қирқтасини ёд билса, унга амал қилса ва уни бошқаларга ўргатса қиёмат куни менинг шафоатим остида бўлади¹”,-деган ҳадис етиб келган. Шунга кўра муайян мавзудаги ҳадислардан 40 тасини бир ерга жамлаб, уларни халққа етказишга интилганлар. Ўртамиёна саводга эга бўлган кишилар қайси ҳадис зарурий ва ҳаётийроқ, қайси бири эътиқод ва ахлоқни яхшилашда муҳимроқ эканлигини танлашга қийналганлар, шу сабаб олиму-фузалолар оддий халқнинг тушунчалари ва шароитларга мос, ҳамда ёдлашга осон бўлган одоб-ахлоққа оид, ўқилиши қисқа ва ёд олиниши осон бўлган содда ҳадислардан 40 тасини саралаб, бир китобга жамлаганлар ва араб тилида “Арбаъин” деб ном берганлар, уларга шарҳлар ҳам битганлар. Ҳар бир даврнинг ўз “Арбаъин”лари мавжуд бўлиб, уларда аниқ мавзу ва мақсад илгари сурилган. XII асрдан бошлаб

¹Ал-Фақиҳ Абу Лайс Самарқандий. “Бўстон ул-орифийн”. - Т., Мовароуннахр, 2004.-240 б. 144 б.
Абу Бакр Лоҳурий. “Ҳадиси Усфурний”.



Шарқ мумтоз адабиётида “Арбаин” яратиш ва уларга шарҳ ёзиш кенг тарқалган. Пайғамбаримиз (с.а.в)нинг ваъда қилган шафоат ва хайрли дуоларига эришиш умидида жуда кўп муҳаддис ва уламолар, адиб ва шоирлар арбаин ҳадис асарларини ёзганлар. Хожи Халфа ўзининг “Кашф уз-зунун” номли қомуси ва унинг иловаси бўлган “Изоҳ ул-макнун” асарида арбаин ҳадис ҳақида ёзилган асарлардан тўқсон бештасини санаб ўтади

“Арбаин”нинг луғавий маъноси: - 40 демакдир. Шунингдек, 40 кун чилла ўтириш яъни, суфийларнинг 40 кун ҳилватда риёзат чекишлиари ва ибодатлари, ҳамда инсон вафотидан 40 кун ўтганидан кейинги маъракани ҳам англатади.² Арбаинлар таркибидаги 40 та ҳадис моҳиятан дин ва шариатга оид улуғ бир қоида чамбарида бўлган.

Ҳадислар араб тилида бўлганлиги, машҳур муҳаддисларнинг асарлари ҳам араб тилида ёзилганлиги туфайли ўтмишда фақат араб тилини мукаммал билган кишиларгина уларнинг маъносидан хабардор бўлган. Араб тилини чукур эгаллаган уламолар, муҳаддислар хатиблар, воъизлар жамоат жойларида, маъракаларда кенг халқ оммасига ҳадисларнинг маъносини айтиб, шарҳлаб, тушунтириб берганлар. Шу сабаб ҳадисларни оммага осонроқ етказиш мақсадида адабиётнинг турли жанрларидан кенг фойдаланганлар. Ҳадисларни тушунтириш ва шарҳлашда хикоят, ривоят ва қиссалар муҳим роль ўйнаган. Баъзи арбаинларда ҳадислар Куръон оятлари билан қувватланса, баъзиларида 40 та ҳадисни тўғри англаш учун ҳадисдан сўнг бир ва бир неча хикоят ва ривоятлар келтирилган. Баъзи арбаинларда эса, ҳар бир ҳадисдан сўнг унинг шеърий талқини қитъа жанрида берилган³. Бу эса арбаин анъанасининг ўзига хос хусусиятларини белгилаб беради.

Ҳадислар Шарқ мумтоз адабиётида, шу жумладан, ўзбек адабиётига ҳам маънавий, ҳам бадиий жиҳатдан катта таъсир кўрсатган. Алишер Навоийнинг устози Абдураҳмон Жомий (1414-1492) арбаин асарлар яратиш анаънасига амал қилиб, 1481/886 йилда ёд олиниши осон ва ёзилиши қисқа бўлган одоб-

²Мұхаммад Ғиёсүддин. “Ғиёс ул-луғат”. 1-жилд. “Нашриёти адиб”, 1997 й.

³Шарқ мумтоз шеъриятида қитъа жанри ўзининг вазни, ихчамлиги, муайян шакл хусусиятларига эга бўлганлиги билан салмоқли ўринн тутади.



ахлоқ доирасидаги 40 та ҳадисни саралаб олиб, қирқ ҳадиснинг ҳар биридаги мазмуни асосида форс тилида қитъа – тўртлик яратди ва уни “Чиҳил ҳадис” яъни “Арбаъин” деб номлади. Алишер Навоий устозига эргашиб, худди шу “Чиҳил ҳадис”ни ўзининг таъбири билан айтганда “форсийдонлар идрок айлаган 40 ҳадис маҳиятидан туркӣ забон халқларни баҳраманд этишни” ният қилиб, “Арбаъин”ға туркича тил била таржима орзуси кўнгулға тушти....”⁴ ва уни форс тилидан ўзбек тилига ўгирган.

Шарқда арбаъин асар ёзиш анъана бўлган⁵. Ҳар бир даврнинг ўз “Арбаъин”лари мавжуд бўлиб, уларда аниқ мавзу ва мақсад илгари сурилган. XII асрдан бошлаб Шарқ мумтоз адабиётида “Арбаъин” яратиш ва уларга шарҳ ёзиш кенг тарқалган. Пайғамбаримиз (с.а.в)нинг ваъда қилган шафоат ва хайрли дуоларига эришиш умидида жуда кўп муҳаддис ва уламолар, адиб ва шоирлар арбаъин ҳадис асарларини ёзганлар. Хожи Халфа ўзининг “Кашф уз-зунун” номли қомуси ва унинг иловаси бўлган “Изоҳ ул-макнун” асарида арбаъин ҳадис ҳақида ёзилган асарлардан тўқсон бештасини санаб ўтади

Демак, Жомий ва Навоийнинг устоз билан шогирд муносабатлари, дўстлиги, ўзаро маслакдошлиги, маънавий ҳамкорлиги бошқа нодир асарлари каби “Арбаъин”нинг ёзилишига ҳам сабаб бўлган. Ҳадислар форс ва ўзбек тилига таржима қилинмаган бир вақтда қирқ ҳадислар асосида форс ҳамда ўзбек тилларида тўртлик-қитъалар яратилиши Жомий ва Навоий “Арбаъин”ларининг қимматини яна ҳам оширди. Хусусан “Арбаъин” ҳадисларга бағищланган маҳсус асар бўлганлиги учун аҳамияти жуда каттадир. “Арбаъин” Навоий асарлари ичida энг кўп кўчирилгани ва энг кўп ўқилганларидан ҳисобланади.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Кўқон Адабиёт музейи кўлёзмалар фондида ягона нусхада инв. Р-35. КП-4096 рақами остида Жомий ва Навоийнинг “Арбаъин” асари сақланмоқда. Мазкур мақоламиизда шу нусха ҳақида маълумот берамиз. Бу кўлёзма ноёб нусхалардан бўлиб, матншунослик,

⁴Навоий. Асарлар XIV т.–Т., 1967. 46 б.

⁵XVI асрда Мухаммад Фузулий (1494-1556) ҳам мазкур анаънага кўра Жомийнинг “Арбаъин” асарини озарбайжон тилига ўгирган. Бу асар ҳам Шарқда халқлари орасида “Арбаъин” ёки “Чиҳил ҳадис” номи билан жуда машҳур бўлган.



манбашунослик фани ва хаттотлик, китобот санъати учун ҳам эътиборли манбадир.

Бу қўлёзма манба қачон, қаерда, ким томонидан кўчирилганлиги номаълум, китоб яхши сақланган, қалин картон билан муқоваланган. Муқованинг каъби ва қолган уч томонига яшил рангдаги қалин чарм ишлатилган. Муқованинг ташқи юзасига тўқ яшил рангли қофоз ёпиштирилган. Муқовага тўқ қизил рангда бостирма нақш ишлатилган. Нақшда муқовачи (саҳҳоф)нинг исми “Саҳҳоф Мулла Умар Муҳаммад” деб ёзилган. Китоб таъмирланган. Китобнинг ички юзасига жигарранг тери ёпиштирилган. Бу тери асл муқованини бўлиши мумкин. Кўринишидан китоб муқоваси бошқа асар муқоваси. Варақлар сони -102 та. Қўлёзма қофози сарғиш рангдаги Кўқон қофози, хати чиройли насталиқда ёзилган. Қўлёзманинг ҳеч бир варағи ёки ҳарфи уринмаган. 1- сахифадан бошлаб 30-бетгача сахифалар бўш қолган. Тадқиқотимиз асоси бўлган “Арбаъин” асари китобнинг 31 б дан 71 б сахифаларига, яъни 38 та варақда “Арбаъин” асари жойлаштирилган.

Китобнинг 73-74- варақлари бўш қолдирилган. 75 а дан бошлаб шоир Амирий, Вазир, Баҳжад, Гулҳанийнингқитъя ва ғазаллари кўчирилган. Шоирларнинг шеърлари қора ва қизил сиёҳларда ёзилган. Ҳошияга олинмаган. Кўринишидан тугалланмаган.

Китобнинг 88 сахифасидан 102 сахифасигача бўлган варақлар бўш қолдирилган. Китобнинг сўнги сахифасида форс тилида, чиройли насталиқ хатида икки мисра шеър ёзиб қўйилган. Кўринишидан китоб мажмууга тайёрлаб китобот қилинган. Мажмуу охирига етмаган. Бироқ “Арбаъин” асари алоҳида “ҳафтранг⁶” қофозга ёзилганидан унинг тугаллангани кўриниб турибди. Китоб битта котиб томонидан кўчирилган.

Биз тадқиқ этаётган ушбу “Арбаъин” асари юқорида қайд этиб ўтганимиздек, китобот санъатининг ўзига хос жиҳатларидан (кўринишиларидан) бири бўлган “ҳафтранг” қофозига чиройли насталиқда, оқ ва сарик сиёҳларда

⁶Ўрта аср китобатчилигига қўлланилган ҳар хил рангли, яхши сифатли қофоз. Бундай қофоз кўпроқ баёзлар ҳамда бир қатор шоирлар шеърлари мажмуасидан иборат китоблар тайёрлашда ишлатилган.



кўчирилган. Бунда яхши сифатли жигарранг ва қора рангли қоғоз ишлатилган. Арбаъин асари икки қатор жадвалга олинган. Асосий матн – қитъа саҳифанинг ўртасига жойлаштирилиб, қизил ва тўқ кўк рангдаги хошияга ва у яна ташқи оқ рангда жадвалга олинган. Матн ўлчови 18x9. Қўлёзма ўлчови 27 x 15,5. Китоб варакларида пойгир белгилари бор.

Асар анъанавий “Басмала” билан бошланган. Бунда фақат Жомийнинг арбаъин асари муқаддимаси, яъни “Сабаби таълифи манзума” тўлиқ ва чиройли ва нуқсонсиз кўчирилган. Ушбу қшлёзма нусхага Навоийнинг “Арбаъин” асарига ёзган муқаддимаси киритилмаган.

Муқаддима тўрт саҳифада 31 -34 бетларда қора сиёҳ билан ёзилган, кўк ва қизил ранглар билан икки қаторли хошияга олинган. Муқаддиманинг 1- ва 2-саҳифалари бир устунда 4 қаторда ёзилган, 3-, -4 саҳифалари бир устунда 6 қаторда ёзилган.

Аслида Жомийнинг “Арбаъин” асари–муқаддима, асосий қисм ва хотима 2 та қитъа ҳамда араб тилида ёзилган дуо билан тугалланган. Бу қўлёзма китобда эса фақат анъанавий “басмала” берилган, хотима ва калафон йўқ. Муқаддима сўнгидаги котиб ўзидан “Қала с.а.в.” деб қўшиб қўйган.

Одатда “Арбаъин”нинг бошқа қўлёзма нусхаларида аввал араб тилидаги ҳадис қизил сиёҳ билан ажратиб қўрсатилар ва унинг тагидан қора сиёҳда шеърий шарҳи берилар эди. Бу қўлёзма нусхада фақат битта ҳадис яъни биринчи ҳадис қизил сиёҳ билан ажратилмасдан қора сиёҳда **لَا يَؤْمِنُ أَحَدُكُمْ حَتَّىٰ يَحْبُّ لِنَفْسِهِ** (لا يُحِبُّ مَا يَحْبُّ لِنَفْسِهِ) (Кайси бирингиз токи ўзига раво кўрмаганни биродарига раво кўрар экан, имонли бўлмайди⁷) берилган, тагидан Жомийнинг шеърий шарҳи ҳам қора сиёҳда ёзилган. Қолган 39 та ҳадис берилмасдан тўғридан-тўғри қитъалар кўчирилган. Бунда аввал Жомийнинг шеърий таржима шарҳи битта саҳифага, кейинги саҳифага Навоийнинг шеърий таржима шарҳижойлаштирилган. Шу тартибда қитъалар ҳадисларсиз ёзиб борилган. Асар охирги қирқинчи қитъалар билан тугалланган. Қитъалар жуда чиройли хатта, хатосиз кўчирилганлиги ўқувчига қийинчилик туғдирмайди. “Арбаъин”

⁷Алишер Навоий. Арбаъин.(нашрга тайёрловчилар: Каримбек ва Сайдбек Хасан)–“Меърос”, Т. 1991.



асари охиридаги хотима кўчирилмаган, хатто калафон ҳам йўқ. Шунга қарамай қитъалар хатти сиймийда яъни жигарранг, қора рангли қалин қоғозларга оқ ҳамда сариқ сиёҳларда, дона-дона қилиб, настаълиқ хатида кўчирилганлиги китобнинг қийматини янада оширган, ўқувчига эстетик завқ бағишлийди.

Бу қўлёзма тугалланмаган мажмуа сарасига кирсада, XIX аср китобот санъти намунасига оид ноёб нусхалардан хисобланади. Шунингдек, матншунослик, манбашунослик фани, хаттотлик, зийнатли китобат санъати учун ҳам бебаҳо манбадир.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, Навоий асарларининг китобат қилиниши турлича бўлиб, бу қўлёзмаларнинг хилма-хил китобат қилиниши турли давр ва турли ижтимоий табақаларнинг маънавий дунёси, талаби ва эстетик завқининг маҳсули дейиш мумкин.

Диний ва ахлоқий асарлардан “Арбаъин”ининг ўтмишда кўп мутолаа қилинганлиги унинг қўлёзмалар фондларида сақланаётган нусхалари сонидан ҳам билиш мумкин. Шу билан бирга қўлёзма нусхаларнинг турли котиблар томонидан ўзгача бир завқ билан кўчирилганлиги ҳар бир даврнинг ўз бадиий китобат санъати юзага келганлигидан далолат беради.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Собрание восточных рукописей АН УзССР. –VII. –T., 1964.
2. Қ. Муниров. А. Носиров. Алишер Навоий қўлёзма асарлари каталоги. Т. “Фан”. 1970.
3. М. Ҳакимов. Навоий асарлари қўлёзмаларининг тавсифи. Т. “Фан”. 1983.
4. Каталог фонда института Рукописей. Том. I. –T., 1988; II. 1989.
5. Шукур Қурбон. Арбаъин. Алишер Навоий назм ила баён этган ҳадислар. “Мехтат”. Т. 1991.
6. Ал-Фақих Абу Лайс Самарқандий. “Бўстон ул-орифийн”. - Т., Мовароуннахр, 2004.
7. Имом Мухиддин Закариё ибн Шараф Нававий. Қириқ ҳадис. “Мовароуннахр” Т. 2005
8. Д. Муродов. Ҳадисшунослик атама ва иборалар. –T., “Фан”. 2009.



9. М. Ҳакимов. Шарқ манбашунослиги лугати. Т. “Davr press”. 2013.
10. Қўлёзма китоб: инв. Р-35. КП-4096 рақамли қўлёзма нусха.